

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ**

**БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ**

БОЛАЛАР МУСИҚА ВА  
САНЪАТ МАКТАБЛАРИ УЧУН  
ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тошкент 2017

## **ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Дастур болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўзбек анъанавий мусиқаси, халқ кўшиқчилиги, дostonчилик ҳамда бахшичилик санъати бўйича ўқувчиларда дастлабки билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни мақсад қилади. Ёшларимизни бахшичилик санъатига бўлган муҳаббатини шакллантириш таълим муассасалари, хусусан, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг асосий вазифаларидан биридир.

Бахшичилик санъати дарси – болалар мусиқа ва санъат мактабларидаги ушбу йўналишининг асосий дарси ҳисобланади. Бахшичилик санъати дарсининг асосий мақсади – ўқувчиларнинг табиий қобилиятларини миллий дostonларимиз намуналарини ижро этишга ўргатиш орқали уларда шунга хос билим ва кўникмаларни шакллантириш, дoston намуналарини ўрганиш асосида уларни эстетик дунёқараши ва дидини тарбиялашдан иборатдир.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларида бахшичилик санъати машғулотлари якка дарс шаклида ўтказилади.

Ўқувчилар ҳар ярим йиллик давомида 4-6 та дostonлардан намуналарни ўрганиб, ярим йиллик якунида бу асарларни мустақил равишда, дўмбра жўрлигида ижро этиб беришлари лозим.

## **ЙИЛЛИК ТАЛАБЛАР**

### **1-СИНФ**

Бахшичилик ижро услубига хос овозни сошлаш, нафасни тўғри ишлатиш кўникмаларини ўрганиш. Дoston жанри ҳақида дастлабки маълумотларни ўрганиш. Дoston намуналаридан кичик парчалар ижро этиш, дўмбра чолғу ижрочилиги асосларини ўзлаштириш. Чолғу ва овоз ижрочилигидаги ҳамоҳангликни хис қилишга ўргатишга эътибор бериш.

## **ТАХМИНИЙ АСАРЛАР РЎЙХАТИ**

1. “Алпомиш” дostonидан парча.
2. Гўрўғли туркумидаги “Гўрўғлининг туғилиши” дostonидан парча.
3. Анъанавий халқ термаларидан парчалар (мураккаблик даражасига қараб)
4. Воҳаларда ижод қилган бахшилар томонидан яратилган термалардан парчалар (мураккаблик даражасига қараб)

## **2-СИНФ**

Бахшичилик услубида тўғри ижро этиш йўллари, ижрочилик хусусиятлари, бахшичилик мактаблари ва таниқли бахшилар тўғрисидаги асосий маълумотлар билан танишиш. “Алпомиш достони” ҳақида маълумот бериш.

### **ТАХМИНИЙ АСАРЛАР РЎЙХАТИ**

1. “Алпомиш” достонидан парча.
2. “Малика Айёр” достонидан парча.
3. “Равшанхон” достонидан парча.
4. “Маспошшо” достонидан парчалар
4. Анъанавий халқ термаларидан парчалар (муракабблик даражасига қараб).
5. Воҳаларда ижод қилган бахшилар томонидан яратилган термалардан парчалар (муракабблик даражасига қараб).

## **3-СИНФ**

Гўрўғли туркумидаги достонлар намуналарининг ижрочилик асосларини ўзлаштириш. Муайян чолғу ва ансамбль жўрлигида кўшиқ куйлашни ўрганиш.

### **ТАХМИНИЙ АСАРЛАР РЎЙХАТИ**

1. “Кунтуғмиш” достонидан парча.
2. “Рустамхон” достонидан парча.
3. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонидан парча.
4. “Гўрўғли туркумидан малла савдогар ва Сулувхон” достонларидан парчалар.
5. Анъанавий халқ термаларидан парчалар (муракабблик даражасига қараб)
6. Воҳаларда ижод қилган бахшилар томонидан яратилган термалардан парчалар (муракабблик даражасига қараб)

## **4-СИНФ**

Достон ижросида Хоразм усули Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги анъанадан фарқи, ва умумийлик жиҳатларини ўзлаштириш. Нисбатан содда достон ижро йўллари асосларини ўрганиш.

### **ТАХМИНИЙ АСАРЛАР РЎЙХАТИ**

1. “Ёдгор” достонидан парча.

2. “Юсуф ва Аҳмад” достонидан парча.
3. "Равшан" достонидан парча.
4. "Орзигул" достонидан парча.
5. "Соҳибқирон" достонидан парча.
6. “Эрали ва Шерали” достонидан парча.
7. “Ойчинор” достонидан парчалар

## **5-СИНФ**

Достончилик мактаблари, ўзбек достончилигида достон куйлаш анъанаси юзасидан Аввал ўтилган мавзуларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш. Ўзбек маълумотлар бериш. Бахши ижрочилик санъатидаги мавжуд йўналашларни бир-биридан фарқлай олиш. Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Нарпай, Шеробод, Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай достончилик мактабларида таниқли бахшилар, уларнинг ижодлари ҳақидаги маълумотларни ўзлаштириш.

## **ТАХМИНИЙ АСАРЛАР РЎЙХАТИ**

1. "Якка Аҳмад" достонидан парча.
2. "Кунтуғмиш" достонидан парча.
3. "Равшан" достонидан парча.
4. "Орзигул" достонидан парча.
5. "Соҳибқирон" достонидан парча.
6. "Эрали ва Шерали" достонидан парча.
7. "Ошиқ Албанд" достонидан парча.
8. "Кампир" достонидан парча.
9. "Бозиргон" достонидан парча.
10. “Тулумбий” достонидан парча.
11. “Шайбонийхон” достонидан парча.
12. “Ойсулув” достонидан парча.
13. “Олтин қабоқ” достонидан парчалар.
14. Тўлиқ достон ўрганиш.

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Е.Романовская “Ўзбек халқ кўшиқлари тўплами” 1-2 китоблар. Тошкент 1939 й.
2. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 227-268.
3. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос.– Москва, 1947.

4. Ҳоди Зариф. Фозил шоир – машҳур дostonчи / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб: Фозил шоир. – Т.: Фан, 1973. – Б. 5-29.
5. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 7-китоб. - Т.: Фан, 1981.
6. Саидов М. Ўзбек дostonчилигида бадиий маҳорат. – Т.: Фан, 1969.
7. Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Т.: Фан, 1985.
8. Муҳаммаднодир Саидов – маърифат фидойиси. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. – Б. 5-91.
9. Наманган халқ оғзаки бадиий ижоди намуналари / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Т.Ғозибоев, А.Собиров. – Наманган, 1993.
10. О.Қосимов “Дутор тароналари” ёзиб олувчи Б.Раҳимжонов,
11. И.Икромов “Ул қаро кўз” китоб
12. Р.Турсунов “Ғамзасин севдинг кўнгил”
13. Т. Маҳмудов “Она юртим”